



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мустақиллик биз учун — ўз-гимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

● 2009-йил ● 25-avgust ● Seshanba ● 100 (30.061) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2009 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

Фан ва техника соҳасида:
— Ашраф Аҳмедовга — «X-XV асрлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган Урта Осиёлик олимлар илмий меросининг ўрганилиши» (Бағдод, Хоразм Мамун академиялари, Самарқанд илмий мактаблари мисолида) монографиялар махмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

Фан ва техника соҳасида:
— Тўрабек Нугманович Долимов, Виталий Иванович Троицкийга «Эволюцион геология» монографияси учун;

Адабиёт соҳасида:
— Омон Сулаймонович Мухторов (Омон Мухтор)га

«Навойи ва расом Абулхайр» дилогияси учун;

Санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:
Абдиев Олим Жабборович, Рашидов Ориф Олимович, Раҳмонов Абдусофихон Рафиқовичга — Истиқлол даврида Бухоро вилоятининг меъморчилигида аъёнлар ва бадиий меросни асраш амалиёти бўйича ишлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 24 август

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан бундан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа муддатда жаҳондаги энг нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Қўлбалда давлатлар, халқаро ташкилотлар, дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндларининг ишбу фестивалга қизиқиш ва эътибори ортиб, иштирокчилари сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Ҳақиқатан ҳам «Шарқ тароналари» VII халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларидан айримларининг илк таассуротлари билан қизиқди.

Дина МУҲАММАД, «Бугракан» мусиқачилар гуруҳи раҳбари (Ҳиндистон):

— Биз мазкур нуфузли фестивалда илк бор иштирок этаймиз. Жаҳон мусиқачиларининг бир жойга тўплаган «Шарқ тароналари»нинг турли мамлакатлар миллий куй-қўшиқларидан баҳраманд бўлиш, соҳа юзасидан фикр-мулоҳаза алмашиш имконини бериши ҳам катта аҳамиятга эга.

Самарқанд ўз гўзаллиги билан бизни лол қолдирди. Ўзбекистонда санъатнинг барча турлари сингари мусиқа соҳасининг ҳам ривожланишига улкан эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Такако ФУНАДА хоним, «Shuohoki Publishers» нашриёт компанияси вакили, журналист (Япония):

— Жаҳонро шўҳрати тобора ошиб бораётган ишбу фестивалда хайрат азоси сифатида иштирок этаётганимдан гоят бахтиёрман. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали турли халқлар маданиятини янада бойитиш билан бирга инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка чорлайди.

Ўзбек муомтоз куй-қўшиқларига меҳрим баланд. Улар ўз жойи билан барчани оҳанрабодек тортади. «Шарқ тароналари» фестивалининг ўтказилиши мамлакатимиз раҳбарининг санъат соҳасини ривожлантириш борасида амалга ошираётган хайрли ишларининг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари, жумладан, Самарқанд ва Тошкент менда унутилмас таассурот қолдирди. Яқин кунларда юртингизда қўшалок байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтининг 2200 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш учун кўрилатган қизгин тайёргарлик ҳамда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мени ҳайратга солди.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.



18
МУСТАҚИЛЛИК
ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!


ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

ТОМОШАБИН БЎЛМАСДАН, МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ

вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида фаол иштирок этишнинг муҳим шартидир

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят ташкилоти конференциясида ушбу фикр такрор-такрор айтилди. Делегатлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари ва ҳудудий бандлик дастурини бажаришда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўрни ҳақидаги масалани батафсил муҳокама этдилар.

— Вилоятимизда Инқирозга қарши чоралар Дастури ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари доирасида жами 43,7 минг янги иш ўрни яратилиб, унинг 72,3 фоизи бевосита қишлоқ жойларда ташкил этилди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов. — Бунда партия ташкилотларимиз, депутатлик гуруҳларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз туфайли кўпгина давлатларда ишлаб чиқариш, иш ўринлари кескин камайиб бораётган бир вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик омилларини халқимизга тўғри тушунтириш ҳаммамизнинг, шу жумладан, барча туман, шаҳар, вилоят партия кенгашлари, «Фаол аёл-



кўрмаяпти. Яқин йиллар мобайнида Оққўрғон, Бекобод ва Бўка туманларига хорижий инвестициялар умуман жалб этилмаганлигини қандай тушуниш мумкин? Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон, Пискент, Уртачирчиқ ва Янгийўл туманларида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳали ҳам жиддий эътиборни талаб этмоқда. Бу камчиликларни бартараф этишда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмаётганини қайд этиш керак. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муаммолари халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялари мажлислари муҳокамасига депутатлар томонидан кам олиб чиқилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



лар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари, БПТ ҳамда улар етакчилари, депутатларимизнинг муҳим вазибаларидан биридир.

Утган даврда депутатлик бирлашмаларимиз томонидан

электрат ижтимоий манфаатларига йўналтирилган ишларни бирмунча фаоллаштиришга эришилди. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар, Бўстонлиқ туман кенгашларида яхши тажриба тўплан-

ди. Депутатлик гуруҳлари Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар асосида мавжуд ижтимоий муаммолар халқ этилишига эришмоқдалар.

Аммо олдимизда турган вазибалар кўламадан келиб чиқиб ишимизга баҳо берадиган бўлсак, фаолиятимиздан кўнглимиз тўлмаслиги табиий.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз сўзга чиқиб, Тошкент вилоятда амалга оширилаётган ишлорлар ҳақида тўхталиб, вилоятда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар сабаблар



рени таҳлил этар экан, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди. Лекин шу кунгача Оҳангарон, Паркент, Бекобод туман партия кенгашлари бундан тўғри хулоса чиқармапти, сезиларли чора-тадбирлар

ОДАМЛАРГА НАФИМИЗ ТЕГИШИ УЧУН

ҳаловат билмасдан ишлаш, ташаббус кўрсатиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида курашиш талаб этилади



қуритилди. **Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эрматов** ўз маърузасида партия ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратил-

ган ҳудудий дастурлар ва ҳудудий бандлик дастурлари бажарилишидаги амалий иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхтади. Вилоят партия ташкилотининг шу

соҳадаги фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилди.

— Партияимиз вилоят ташкилоти дастурий мақсадларимиз, устав вазибаларимиздан келиб чи-

қиб, воҳа ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган жараёнларда фаол иштирок этиб келаяпти, — деди нотиқ. — Партияимиз фаолларининг юртимиз тараққиёти, хусусан,

ҳудудий ривожланиш учун жон куйдираётганини таъкидлаш лозим. Вилоят партия кенгаши Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ўзининг тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан ўзлаштираётган янада яхшилаш бўйича мониторинг олиб бориляпти. Бу борада юзага келаётган масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиялари ва тегишли доимий комиссиялари йиғилишларида кўриб чиқилишига эришилди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ТИНЧЛИК ВА
АЎСТАЛИК ШАҲРИ

2

СИФАТ ВА
САМАРАДОРЛИК

3

МУҲТАШАМ
МУСИҚА
МАКТАБИ

4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ОДАМЛАРГА НАФМИМИЗ ТЕГИШИ УЧУН

ҳаловат билмасдан ишлаш, ташаббус кўрсатиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида курашиш талаб этилади

Республикамизда Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилмоқда. Унда аҳолининг, шу жумладан партияимиз электроратини ташкил этувчи фуқаролар манфаатларини таъминлаш устувор вазифи сифатида белгиланган. Шундай экан, ушбу дастурнинг мазмун-моҳиятини, унинг асосида амалга оширилган ишларни партияимиз фаоллари оралигида эълон қилиш керак. Шу билан бирга, айни вақтга қадар маҳаллий дастурлар асосида бажарилган ишларни таҳлил қилиб, керак бўлса, уларнинг тегишли бандларини кучайтириш, қўшимча чораларни белгилаш ва таклифлар киритиш ташаббуси билан чиқишимиз зарур.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишларидан бири одамларни иш билан таъминлашдир. Шунинг учун ҳудудий бандлик дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, жойларда янги иш ўринлари яратиш юзасидан муқобил таклифлар ишлаб чиқиш, маҳаллий Кенгашлар муҳокама-сига киритиш масаласи ҳам жуда долзарбдир. Партия электрорати манфаатларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари оралигида ҳимоя қилиш борасида аниқ ишлар, ибратли ташаббуслар амалга оширилди. Бу борада ўзига хос тажриба тўпладик.

Шунга қарамайдан, очигини айтиш керак, айрим партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти бизни ҳам, электроратимизни ҳам мутлақо қониқтирмайди. Уларнинг фаолиятида қатъият, изланувчанлик, ташаббус этишмапти.

Конференция делегатлари ҳам

партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақида очик фикр юритишди.

— Партияимиз мавқеи унинг аъзолари сони билан эмас, балки воқеа ҳодисаларга ҳозиржавоб муносабати, электрорат манфаатлари йўлидаги амалий ишлари билан белгиланади, — деди «Жаркўргоннефт» очик акциядорлик жамияти бош-

механизмига эга бўлган депутатлик гуруҳларимиз ўртасида мустақкам ҳамкорлик ва изчил алоқа этишмапти. Бу борада шахар, туман, вилоят партия кенгашларининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш талаб этилмоқда.

— Электрорат манфаатларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари оралигида ҳимоя қилиш

бурчини яхши ҳис этишади, — деди Термиз шахар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шахар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Аскар Гойинов. — Сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Улар муҳокамада қатнашиб, таклифлар бердилар. Долзарб ижтимоий масалаларни ечишда депутатлик суровидан фойдаландилар. Лекин айрим партиядошларимиз ўзининг депутатлик масъулиятини унутиб қўганини ҳам тан олмай илож йўқ.

Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов, Қизилқум туман халқ таълими бўлими мудири, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулбаҳор Аннаматова, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Зобо Йўлдошевлар ҳам сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар, партия ташкилотининг мафкуравий, ижтимоий-сиёсий йўналишидаги ишларини кучайтириш юзасидан фикрлар билдиришди.

Конференцияда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари ва ҳудудий бандлик дастурларини бажаришда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят ташкилотларининг амалий иштирокини таъминлаш бўйича дастур қабул қилинди.

Шу кунни бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида Ҳамро Эрматов ЎХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



лангич партия ташкилоти раиси Олимжон Миррасулов. — Партия ташкилотларимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлашни янада кучайтирсан, бу партиянинг электрорат ишончини қозонишида асосий омил бўлади. Ўз мақсад ва вазифаларимизни сидқидилдан бажариш, айниса, бошлангич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Аммо, электроратни ташвишга солаётган барча масалаларни яхши билган бошлангич ташкилотлар ҳамда уларни ечиш

қонунларда белгиланган асосий механизмлардан дидир, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Зокиржон Зуннунов. — Аммо баъзи бир депутатларнинг берақлиги туйғайли бундай имкониятдан тўлиқ фойдалана олмаймиз. Бундан хулоса чиқариб, олдимиздаги сайловларда номзод кўрсатиш масаласига жуда жиддий ёндашиш талаб этилмоқда. Зеро, депутатларимиз фаолияти туйғайли бизга ишонган, умид билдираётган одамларга наф етсин!

— Аксарият депутатларимиз ўз

Тошкент шахрининг 2200 йиллигига

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шахрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилган мазкур тадбир Тошкентнинг миллатлараро муносабатларни мустақкамлаш ҳамда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги ўрнига бағишланди. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда дўстлик жамиятлари раислари ва аъзолари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихона ва ваколатхоналари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси, академик С.Ғулмов, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан кўп томонлама алоқаларида Тошкент муҳим ўрин тутади. Пойтахтимиз нафақат маданият, илм-фан, маънавият ва маърифат маркази, балки тинчлик ва дўстлик рамзи сифатида ҳам дунёга кенг танилган. Мустақиллик туйғайли кўнра ва ҳамма навқирон Тошкентнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори ошиб бораётди. Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг қарори ишбу

қилинган пойтахтимизнинг нафақат жаҳон цивилизацияси, балки бугунги кун халқаро муносабатлар ривожига ҳам муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Тошкент ислом дини ва маданияти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган шахарлардан ҳисобланади. Нуфузли халқаро ташкилот — Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шахрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган ҳам ана шундай юксак эътиборнинг тасдиғидир.

Қадимий ва навқирон шахар тарихини ўрганиш кўпмиллатли халқимизни, айниса, улғайиб бораётган ёш авлоднинг меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, жонаҳон юртимизга муҳаббат, халқимиз тарихи ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда пойтахтимизнинг тарихи, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, дунё мамлакатлари ҳамда шахарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида етакчи олимлар, мутахассислар маъруза қилдилар. Шунингдек, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари, чет давлатларнинг республикамизда фаолият юритаётган элчихоналари вакиллари Ўзбекистон, жумладан, Тошкент шахри яқин ўтмишда юз берган қийинчилик вақтлари уларни ўз бағрига олгани, бошлана бериб, меҳрибонлик кўрсатгани ҳақида гапирдилар.

Тадбир давомида Тошкент шахрининг тарихи ва бугунги кунга акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ижросида Ватанини, дўстлик ва бағрикенгликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Гузэл САТТОРОВА, ЎЗА мухбири

ТОМОШАБИН БЎЛМАСДАН, МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ

вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида фаол иштирок этишнинг муҳим шартидир

Ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши устидан депутатлик, жамоатчилик назорати сусти олиб борилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш бўйича кескин чора-тадбирлар кўришимизни эса замоннинг ўзи талаб этапти. Барча шахар ва туман кенгашлари раислари ва депутатлик гуруҳларимиз раҳбарлари вужудга келган аҳолини тузатиш учун бу масалани халқ депутатлари шахар ва туман Кенгашлари навбатдаги сессиялари, доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига киритиш, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориб, масала ҳал этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз айрим аъзоларининг оддий муаммоларни ҳал этишдаги нўноқлиги, қонунқондалар, қарор ва тегишли ҳужжатларга киритилган сўни янгиликлардан яхши хабардор эмаслиги сабабли сессияларга бирорта диққатга сазовор таклиф киритилмаган. Ваҳоланки, муаммолар оз эмас.


Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг охириги сессиясида Президентимиз вилоятнинг айрим туманларида ерлар талон-тарож қилинаётгани ҳақида қўйиниб гапирган эди. Лекин, шу пайтгача бирорта депутат сессия ва доимий комиссияларга бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ер тақсимлашда қонунбузарликка йўл қўймаслик ёки коррупцияга қарши аниқ бир таклиф киритмади. Нега? Биз бундай ахволга қўйиниб қолдик ёки ўзимизга ортиқча ташвиш орттиришни хохламаймиз.

Шу билан бирга, вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан айримларида ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилди. Бундай ҳолат биз фаолларни дарров сергак тортири-

ши, масалани халқ депутатлари Кенгашларида муҳокама этиб, тегишли чоралар белгиланиши керак эди. Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, соҳалари бўйича ҳам келтириш мумкин. Бу ҳол жойларда ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларимиз ҳали кўпчилигини, фаолларимиз, депутатларимиз жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга мутлақо эътиборсиз қараётганини кўрсатади. Бу соҳани маҳаллий имкониятлардан келиб чиқиб тараққий эттириш мумкинлигини, давлат бюджетидан жуда катта маблағ, катта сармоя ёки хорижий инвестиция талаб этмаслигини унутиб қўямиз. Шу вақтга қадар бирор бир депутатлик гуруҳимиз ёки партия ташкилотидан ҳудудда маънавий хизмат, сервисни ривожлантиришга қаратилган жўяли ташаббус чиқмади.

Бугун биз сизлар билан муҳокама этиб, «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва минтақавий бандлик дастурига мувофиқ устувор ижтимоий масалаларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти, шахар ва туман кенгашларининг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари дастури»ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат асосида яқин

кунларда партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз фаол иш ташкил қилишларини қатъий талаб қиламиз. Уйлайманки, бу фикрларимиздан барча фаолларимиз ўзи учун тегишли хулосани чиқариб



Абдусови ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

тибдаги масалалар юзасидан ягона партиявий позицияни ишлаб чиқиш ҳамда мажлисларда уни қатъий билан ҳимоя қилиш таърибларини ҳамон йўлга қўйиладик. Электроратимиз манфаатини ҳимоя-

нинг аниқ режаларини ишлаб чиққан эдик. Ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳимиз томонидан Халқ депутатлари шахар Кенгаши сессияларига 17 та масала киритилди. Бепул тиббий ёрдам, аҳоли-

нинг тегишли тоифаларини дори-дармон билан бепул ва имтиёзли таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг аҳоли тўғрисидаги ва бошқа масалалар батафсил муҳокама этилиб, шахар соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим ноқонуний ишлар фож этилди. Наҳажада тегишли мутасадди кишиларга нисбатан чоралар кўрилди. Шаҳар Кенгаши сессиясига касб-хунар коллежлари битидувчиларини иш билан таъминлашнинг аҳоли

йўқотиб қўганимиз бор гап. Ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар, куз-киш мавсумига тайёргарлик кўришидаги камчиликлар бизни берафарқ қолдирмаслиги керак эди. Ўз ишига танқидий кўз билан қараш, йўл қўйилган камчиликларни

рўй-рост айтиш келгусидаги ютуқлар учун замин ҳозирлайди. Шунинг учун партиянинг шахар ва туман кенгашлари, фаоллари, хайрихоҳлар фаолиятимизни ана шундай баҳолаб, ҳамжиҳатликда катта сиёсий тадбирга ҳозирлик кўришимиз даркор.

Раҳимжон СОЛИҚОВ, Тошкент туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари:

— Депутат бўлишга орзумандлар кўп. Аммо кўпинча сайлангандан кейинги масъулият ҳақида кам ўйлаймиз. Йўқса, партияимиздан номзоди кўрсатилиб, шахар, туман, вилоят Кенгашларига сайланган, партия кенгашлари фаолиятига умуман аралашмай қўйган депутатлар бўлмасди. Кенг халқ оmmasи, электроратимиз орасига қайси депутат партияимиз номидан чуқур кириб борди? Албатта жуда камчилик. Партияимиз мафкураси, ғояларига эътиқоди, унинг дастурий вазифаларини амалга оширишга интилиши бўлмаган кишиларнинг сайланишига йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолатда сиёсий рақобатда ютказиб қўйишимиз табиий. Партияимиз дастурида белгиланган вазифаларнинг асосий қисми вакилик институтлари оралигида амалга оширилиши зарур. Бепарво, лоқайд, масъулият кам депутатлари кўп бўлган партия эса ҳеч қачон кўзлаган мақсадига эриша олмайди.

Музокараларда сўзга чиққан бошқа делегатлар — вилоят Кенгаши депутатлари Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров, «Тошвилтранс-

терминал» ҳудудий уюшмаси раҳбари Муҳаммади Каримов, «Ўзвинсаноат» ҳолдинг компанияси бошқарма бошлиги Адиба Аҳмаджонова, шунингдек, Бўка туман партия кенгаши раиси ўринбосари Воҳид Ўринбоев, Юқори чирчик туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Инобат Пардахўжаева ва бошқалар ҳам партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Конференцияда Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиги Ҳикматулла Исамуҳаммадовнинг 2009 йилнинг олти ойи давомида вилоятда аҳолини, хусусан, ўртамаҳсул ўқув юртларини тугатаётган йигит-қизларни иш билан таъминлашнинг аҳоли ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Шунингдек, у делегатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Конференцияда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар, «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва минтақавий бандлик дастурига мувофиқ устувор ижтимоий масалаларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти, шахар ва туман кенгашларининг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари дастури» қабул қилинди.


Шу кунни бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида Сирожиддин Аъзамов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг раиси этиб янги муддатга сайланди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Беход ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПОЛИЭТИЛЕН ХАЛТАЛАР МУАММОСИ

Маълумки, фанда тасдиқланишича, бугунги кунда ҳар қадамда фойдаланилаётган полиетилен халталар ахлатта ташлаб юборилгандан сўнг юз йилдан ортиқ вақт ўтгачина чириб, тупроқ таркибига қоришиб кетади. Демак, ҳар кун ташлаб юборётган полиетилен халталаримиз табиат мувозанатига салбий таъсир этмай қолмайди. Бу муаммо бора-бора инсониятга оғир оқибатларни рўбарў қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам олимлар салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида илмий изланишлар қилишмоқда ва

яқинда полиетилен ишлаб чиқарувчи заводларга янги технологик жараёни тав-



сия этишди.

Ушбу технологияга асосан полимер компонентларига махсус қўшимча мода — аддитивлар қўшилади. Бу эса полиетилен халталарнинг табиий жараён-

да, яъни иссиқ, совуқ, ёгин-сочинли об-ҳаво шароитида 3-5 йилда чириб, тупроқ таркибига қўшилиб кетиш имконини беради.

Бу технология синавдан ўтказилди: янги турдаги полиетилен халта чувалчанглар билан бирга тупроққа қориштирилди. Маълум вақт ўтгач, полиетилен халта чириган, чувалчанглар эса тирик қолган.

Бу турдаги полиетилен халталар асосан иссиқ, нам, ультрабинафша нурлар ва микроблар таъсирида чирийд.

Яқин кунларда бундай халталар оммавий ишлаб чиқарилади.

БИР ОЙЛИК АВИАЧИПТА КАРТОЧКАСИ САВДОГА ЧИҚАРИЛДИ



АҚШнинг бюджетдаги «JetBlue Airways» авиакомпанияси бир ойлик авиачипта карточкасини савдога чиқарди. Уни шу ой охиригача сотиб олганлар мамлакат ичидан ҳамда мамлакатдан ташқаридаги 56 та манзилга парвоз қилиши мумкин.

Авиачипта карточкаси 8 сентябрдан 8 октябргача амал қилади.

Аммо шунинг таъкидлаш лозимки, айрим чекловлар ҳам жорий этилган. Масалан, мижоз хорижга учадиган бўлса, қўшимча пул тўлаши лозим. Бундан ташқари, уч кун аввал буюртма бериши керак. Битта шаҳарга бир кунда бир марта училиши мумкин. Аввал парвозга буюртма берган бўлса-ю, бирон сабаб билан сафарга чиқмаса, брон қилинган жойни ҳеч қандай қўшимча тўловсиз бекор қилиши мумкин, аммо парвоз вақтига уч кундан кам муддат қолган бўлса, бронни бекор қилиш учун 100 доллар қўшимча пул тўлаши шарт.

Эслатиб ўтамиз: бу авиакомпанияда семиз йўловчилар бир ўрин учун 2 та чипта сотиб олиши аллақачонлар жорий этилган.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛАДИЛАР

Миср маъмурияти дунда А/Н1Н1 гриппи вируси кенг тарқалаётгани муносабати билан мамлакатдаги мактаблар учун қўшимча дам олиш куни жорий этди. «Ал-Масри ал-Яум» газетасида чоп этилган хабарда қайд этилишича, эндиликда ўқувчилар ҳафтада икки кун эмас, балки синфлар навбатма-навбат уч кун дам олади-лар. Бу мажбурийдир. Мақсад жуда кўплаб болаларнинг бир жойда оммавий тўпланишига йўл қўймаслик.

Миср Соғлиқни сақлаш вазирлиги А/Н1Н1 вируси тар-

қалишининг олдини олиш учун шундай тартиб қўллашга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, барча ўқув муассасаларини дезинфекция воситалари билан таъминлаш вазирлик зиммасига юклатилди.

Яна шунинг таъкидлаш лозимки, мактаблардаги тиббиёт ходимларига катта ваколатлар берилди. Жумладан, шамоллаш аломатлари сезилган ўқувчиларга дарҳол уйига жавоб берилди.

Миср мактабларида янги ўқув йили 26 сентябрдан бошланади.

Мамлакатда А/Н1Н1 вирусига чалинганлар сони 551 кишига етган.





Хорижий инвестиция иштирокидаги «ТОШКЕНТВИНО КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз.

Осемонимиз доимо мусаффо, хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!



Махсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Яқинда хорижий инвестиция иштирокидаги «Тошкентвино комбинати» очиқ акциядорлик жамиятига Ялта шаҳридан хушxabар келди. «Ялта. Золотой грифон-2009» халқаро танловига комбинат махсулотларига юксак баҳо берилиб, «Тошкент» деб номланган коньяк олтин медалга сазовор бўлди. Хуштаъм ва сифатли «Ширин» ва «Мускат» винолари ҳам олтин медалга лойиқ кўрилди. Ярим ширин «Дикая орхидея» ва «Қора гўзал» қизил винолари бронза медали билан тақдирланди.




СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Юксак эътироф корхона ишчи-хизматчиларини тўқинлантириб юборди. Айтиш кераки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай комбинатда иш суръати пасайгани йўқ, тайёрланаётган махсулотларга бўлган талаб ҳам қаммайяпти.

Шу кунларда жамиятнинг барча мутахассислари ва ишчи-хизматчилари ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва корхона янада кенгайтириш учун ҳаракат қилишяпти. «Тошкентвино комбинати»га қарашли «Янгийўл» заводининг ишлаб чиқариш майдонларида кўплаб сифатли махсулотлар тайёрланмоқда. Корхона ишлаб чиқариш цехлари янгилашиб, махсулотлар сақланадиган ва коньяк ишлаб чиқариш цехи тартибга келтирилди. Сифатли махсулот чиқариш усуллари такомиллаштирилди. Мутахассислар, муҳандис-кимёгарлар, лаборантлар томонидан сифат ва самарага кўпроқ эътибор берилмаётган. 60 номдаги арок, 20 номдаги вино ва коньяк махсулотлари тайёрланмоқда.

Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 25 миллиард 75 миллион сўмлик махсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.



Хозирги кунда Бектемир туманида янги ликёр-ароқ заводи фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари амалга ошириляпти. Комбинатнинг Жиззах вилояти, Бахмал туманида жойлашган «Бахмал вино» шўъба корхонасида сифатли дастлабки вино материал тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент вилояти ва Сурхондарёдаги 10 та

вино тайёрлаш пунктларида узумдан юксак сифатли десерт ва ярим десерт винолар тайёрланаётган. Корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш янги натижалар бермоқда. Шу боис ҳам махсулотни безаш материаллари, идиш ва қопқоқлар фақат республика корхоналаридан

олинапти. Узумчилик базасини мустаҳкамлаш, инновацион технологияларни ривожлантириш натижасида комбинат ўзининг экспорт имкониятларини янада кенгайтирапти.

Шоҳайдар МИРХАБИБОВ,
Мирбахтёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари.

Суратда: корхона иш фаолиятдан лавҳа.

Барча турдаги қурилиш таъхилотлари раҳбарлари диққатига!

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг ўқув блоклари том қисмини капитал таъмирлаш»

Объектнинг бошланғич қиймати:
— қўшимча қиймат солиғисиз 70,003 млн. сўм,
— қўшимча қиймат солиғи билан 84,004 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 15 ноябргача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уй.
Телефон: (8372) 226-13-57,
факс: 226-59-94.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридида айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қоғалтомасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича таж-

рибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида катнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотларининг узвий давоми сифатида Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган эди. Ушбу Дастурда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактаби қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини эса капитал таъмирлаш ишлари белгиланган.

Куни кеча ана шундай мактаблардан бири пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида қуриб, фойдаланишга топширилди.

2-сонли болалар мусиқа ва санъат макта-

би ўқувчи ва ўқитувчилар, меҳмонлар билан гавжум. Каттаю кичик бирдек хурсанд. Шу ўринда мазкур мактаб ўрмишига бир назар ташласак. 1956 йилда

ташқил қилинган мусиқа мактаби учун ётоқхона биноси ажратилган эди. Хоналар тор, чолғу асбоблари уч ёки тўрттагина эди. Фақат фортепьяно бўйича таҳсил олиш мумкин бўлган холос.

Янги мактабнинг ҳар бир синф хоналари махсус чолғу асбоблари билан жиҳозланган. Хоналар кенг, бўлажақ истеъдодлар учун зарур



МУҲТАШАМ МУСИҚА МАКТАБИ

шарт-шароитлар яратилган. Синф хоналарини айланар эканмиз, унда миллий ва жаҳон мусиқа асбобларини чалаётган ўғил-қизларни кўриб, беихтиёр кувонасан киши.

Айни кунда мазкур даргоҳда ўқитувчилар сони 27 нафар бўлиб, улар 232 нафар ёш истеъдод эгаларига 7 йўналиш: ўзбек халқ чолғулари, фортепьяно,

скрипка, гитара, эстрада хонандлиги, тасвирий санъат, хореография бўйича таълим беради.

Ахборот-ресурс маркази, 2 та хореография хонаси, тасвирий санъат, концерт зали, Маънавият ва маърифат ҳамда махсус мусиқа хоналари бири биридан чиройли жиҳозланган. Хоналардаги ўқув адабиётларини айтмайсиз-

ми? Давлат таълим стандартлари ва дастурлари асосида яратилган дарслик ва услубий қўлланмалар...

Мусиқа ва санъат мактабидаги ўқитувчи ва ўқувчилар ўзларидаги қувонч бизнинг қалбимизга кўчди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдусоди ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



ҚОСИМЖОНОВ Тўртинчи ўринда

Арманистонда шохмот бўйича 5-Гран-при мусобақаси ниҳоясига етди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов 10-турда қора доналарда ўйнашига қарамай, жаҳоннинг кучли гротмейстерларидан бири америкалик Гата Камский билан 74-юришда дурангга имзо чекди. У 11-турда тенг-

дош рақиби венгриялик Петер Леко билан дуранг ўйнади. 12-турда эса ўзи учун ноқулай рақиб ҳисобланган исроиллик Борис Гельфандга ютқазиб қўйди. Охириги турда украиналик Павел Ельянов билан дурангга келишди. Шундай қилиб, 7,5 очко жағмарган Қосимжонов кўшимча кўрсаткичларга кўра 4-ўринни эгаллади. Мусобақа қатнашчилари

ШОХМОТ

ри тўплаган очколарига кўра турнир жадвалида куйидаги тартибда жойлашишди: Иванчук (Украина) — 8,5; Аронян (Арманистон) ва Гельфанд (Исроил) — 8 тадан; Қосимжонов, Леко (Венгрия) ва Алексеев (Россия) — 7,5 тадан; Карякин (Украина) — 7; Ельянов (Украина) — 6,5; Бахро (Франция) ва Камский (АҚШ) — 6 тадан; Яковенко (Россия) ва Аюпан (Арманистон) — 5 тадан; Инаркиев (Россия) — 4,5; Чепаринов (Болгария) — 4 очко.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этган китоб ва босма маҳсулотларини сотиш мақсадида китоб савдо маркази очганди. Китоб савдоси намунали ташқил қилинган учун марказ китобхон ва харидорлар эътиборини қозонди. Натижада у «Шарқ зиёкори» очик



Байрам тухфалари

КИТОБ ДЎКОНЛАРИГА «ДАМАС»

акциядорлик жамиятига айланди ва мустақил равишда фаолият бошлади.

Жамият китоб савдоси бўйича тез орада республикамизда йирик ташкилотлардан бири бўлиб қолди ва вилоятлари мизда 14 та филиалини ҳам очди. Унда аҳолининг китоб ва босма маҳсулотларга бўлган та-

лаблари мунтазам равишда ўрганиб борилади. Шу асосда аҳолининг эътиборларини қондириш мақсадида юқори сифатли маҳсулотларни вилоятдаги филиалларига ўз вақтида етказиб бермоқда.

«Шарқ зиёкори» жамияти Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан филиаллари орасида энг фаол Бухоро, Навоий, Қарши, Андижон, Жиззах, Наманган дўконларининг ҳар бирига Мус-

тақиллик байрами арафасида «Дамас» русумли автомашина тақдим этди.

— Вилоятимиз аҳолиси фаолиятимиздан мамнун, — дейди Навоий филиали раҳбари Манзура Умарова. — Топширилган ушбу автомашина эндиликда янги китобларни янада тезроқ китобхонлар қўлига етиб боришини таъминлайди. Кўча савдо ўрнатишимизга ҳам яқиндан кўмак беради.

Абдусалим АБДУҚОДИР

ФУТБОЛ

ЯНГИ РЕКОРД

Олий лига футбол жамоалари навбатдаги учрашувларини ўтказишди. 19-турда «Бунёдкор» Наманганда «Навбахор» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чемпионатда кетма-кет 19 бор галаба қозонди («Шўртан» жамоаси билан учрашуви мuddатидан олдин ўтказган) ва собиқ МХСК рекордини такрорлади. «Пахтакор» жамоаси ҳам «Хоразм» футболчиларидан устун келди —

2:0. Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд қилинди: «Локомотив» — «Динамо» — 1:2, «Андижон» — «Олмалик» — 4:2, «Металлург» — «Нефтчи» — 0:0, «Насаф» — «Машъал» — 2:0, «Бухоро» — «Шўртан» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Кизилқум» — 0:1.

19-тур учрашувлари эса куйидаги натижалар билан якунланди: «Нефтчи» — «Навбахор» — 2:0, «Олмалик» — «Бухоро» —

5:0, «Андижон» — «Хоразм» — 4:2, «Динамо» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Шўртан» — «Локомотив» — 3:2, «Кизилқум» — «Металлург» — 0:0, «Машъал» — «Пахтакор» — 0:0, «Бунёдкор» — «Насаф» — 2:1.

Бу турда зафар кучган «Бунёдкор» жамоаси кетма-кет 20 марта галаба қозониб, бу борада миллий чемпионатимизнинг янги рекордини ўрнатди.



РИНГДА ЁШ БОКСЧИЛАР

Олмалик шаҳрида узок йиллар бокс бўйича миллий жамоамизга раҳбарлик қилган, Жаҳон кубоги совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийи, «Дўстлик» ордени нишондори Владимир Шин соврини учун ёшлар ўртасида ўтказилган 4-халқаро турнир якунланди.

Бу гаги мусобақаларда Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати ва Россия Федерациясидан вакиллар, мамлакатимизнинг учта ёшлар жамоаси «Пахлавон» спорт аренасида ўзаро куч синашди.

Умумжамоа ҳисобида андижонлик ёш боксчи-

лар голиб чиқди. Улар барча вазн тоифаларида совринли ўринларни эгаллашди. Финал босқичини ҳам шу бокс мактабининг вакиллари бошлаб берди. Пахлавон Ҳожиёв билан Зоҳид Ҳурбоевнинг кураши тенгма-тенг тус олиб, фақат қўшимча кўрсаткичлар ҳисобга олинганидан кейингина Пахлавоннинг фойдасига ҳал бўлди. Фолибга таниқли устознинг эсдалик кубоги ва спорт устаси гувоҳномаси топширилди. Бундай унвон аънаваний мусобақа голибларига илк дафъа насиб этди. Ўз вазн тоифаларида голиб чиққан Қобил Бобононов билан Отабек Иброҳимов ҳам спорт

увониға сазовор бўлди. Бу мусобақаларда Фаргона вилояти жамоасининг, икки ёш боксчи ҳам спорт устаси талабини бажарди.

— Ўзбекистонда спортчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар мени хайратга солди, — деди тожикистонлик мураббий Абдурашид Мамажонов. — Мустақиллик йилларида бу ерда юксак малакали спортчиларни камол топтириш учун пухта асос яратилганлигига гувоҳ бўлдим.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ушбу байрам арафасида Сизларга «Тантана» номи янги мугдатли омонат жорий этилганлигини маълум қиламиз.

«Тантана» аҳоли мuddатли омонатига пул маблағлари 210 кунлик мuddатга қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз ҳисобида даромад ҳисобланади ҳамда фоизлар капитализация қилиб борилади.

«Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банкида сақланадиган аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган.

Бош офис «Трастбанк» тел.: (+99871) 244-76-55
Факс: (+99871) 244-76-61
«Тошкент» филиали тел.: (+99871) 277-27-55
«Ўйтахт» филиали тел.: (+99871) 267-78-28
E-mail: info@trustbank.uz
www.trustbank.uz

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

2003-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,
233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,
233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70

Buxoroda — 223-06-02

Gulistonda — 25-46-45

Jizzaxda — 227-48-35

Navoiyda — 223-83-73

Namanganda — 226-43-43

Nukusda — 222-77-21

Samarqandda — 35-02-55

Urganchda — 517-30-58

Farg'onada — 224-18-78

Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonano nomi: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bostildi

— Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 20.45

Topshirilgan vaqti — 00.45

1 2 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda